



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

CONSTITUTIONAL RIGHTS ARE ENSURED

Bekzod Sayfullaev
Independent researcher
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: residence registration, migration, constitutional rights, registration system, place of residence, legislation, reforms, E-xabar berish.

Received: 03.08.25

Accepted: 04.08.25

Published: 05.08.25

Abstract: This article highlights major reforms in the field of migration and residence registration in Uzbekistan under the leadership of President Shavkat Mirziyoyev. It focuses on the implementation of constitutional rights to freedom of movement and the choice of residence. Key legal documents, including the new edition of the Constitution (2023) and the 2025 law on registration, are analyzed. The article also discusses the introduction of the “E-xabar berish” system, simplification of registration procedures, and efforts to prevent bureaucratic and corrupt practices.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУҚЛАР ТАЪМИНЛАНАДИ

Бекзод Сайфуллаев
Мустақил тадқиқотчи
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит соъзлар: прописка, миграция, конституциявий хуқуқ, рўйхатга олиш, яшаш жойи, қонунчиллик, ислоҳот, Е-хабар бериш.

Аннотация: Мазкур мақолада Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига Ўзбекистонда амалга оширилган миграция ва рўйхатга олиш соҳасидаги асосий ислоҳотлар ёритилган. Хусусан, фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш хуқуқини таъминлаш бўйича қабул килинган қонун ва фармонлар, 2023 йилги янги Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳамда 2025 йилда қабул қилинган янги қонуннинг аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек, “Е-хабар бериш” тизими, рўйхатдан ўтиш тартибининг соддалаштирилиши ва коррупцион омилларнинг олдини олиш чоралари ҳакида

фикр юритилади.

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ПРАВА ОБЕСПЕЧИВАЮТСЯ

Бекзод Сайфуллаев
Независимый исследователь
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: прописка, миграция, конституционные права, регистрация, место жительства, законодательство, реформы, Э-хабар бериш.

Аннотация: В данной статье рассматриваются ключевые реформы в области миграции и регистрации проживания в Узбекистане, инициированные Президентом Шавкатом Мирзиёевым. Особое вниманиеделено обеспечению конституционного права граждан на свободу передвижения и выбор места жительства. Анализируются новые законодательные акты, включая Конституцию в новой редакции (2023 год) и Закон от 2025 года, а также внедрение цифровой системы «Э-хабар бериш» и меры по упрощению процедур регистрации.

Кириш

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган илк кунларидан мамлакатимизда кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар амалга оширила бошланди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди.

Хусусан, дастлабки қадам сифатида мамлакатимизда доимий яшовчи ва юртимизнинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахсларга Тошкент шаҳрида қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан кам бўлмаган миқдорида янги қурилган қўчмас мол-мулк сотиб олишга рухсат берилди. Натижада ушбу тоифадаги шахсларга пойтахт ҳудудида янги қурилган қўчмас мол-мулк сотиб олиш орқали яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш учун имконият яратилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 24 январида Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида «... Асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат. Шу боис, парламент ва хукумат 2020 йил 1 апрелга қадар

прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим», – дейилган эди. Ана шу таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Юртимиз тарихида илк бор 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Ушбу олий юридик кучга эга бўлган хужжатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, унинг барча қоидалари тўғридан-тўғри қўлланилади.

Хусусан, Бош Қомусимизнинг 32-моддасида қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси худудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгалиги, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно эканлиги белгилаб қўйилди.

Дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари натижасида миграция оқимининг кучайиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда, шахснинг эркин ҳаракатланиши ҳамда яшаш учун турар жой танлашига доир ҳуқуқларини самарали механизмларини жорий этишни тақозо қилмоқда.

Шу жиҳатдан, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан ўрнатилган айrim чекловлар бугунги кунда фуқароларнинг республикамиз худудида эркин ҳаракатланиши, яшаш жойини танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдалана олмасликларига сабаб бўлмоқда.

Амалиётда юзага келаётган мана шундай муаммолар ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 2023 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда мамлакатимиз фуқароларининг эркин ҳаракатланишлари, турар ва яшаш жойини танлашга бўлган конституциявий ҳуқуқларни таъминлашга тўскىнлик қилиб келаётган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳамда фуқароларни яшаш

жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилишнинг янги тартибини жорий этиш белгиланди.

Шу муносабат билан, Ички ишлар вазирлиги томонидан миграция соҳасидаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлашга бўлган конституциявий хуқуқларни мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун 2025 йил 10 июль куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Янги қонунда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтишлари ва турар жойи бўйича хабардор қилишлари, уларни яшаш ва турар жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги асосий принциплар ҳамда тушунчалар ўз аксини топди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг яшаш жойи ва турган жой бўйича рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Унга кўра, ИИВ соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириши, давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, мутахассислар тайёрланиши, қайта тайёрланиши ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлаши, рўйхатдан ўтказишга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқиши ҳамда жорий этишда иштирок этиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг чегара зонасида, ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда, ёпиқ маъмурий-худудий тузилмаларда, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид соладиган бошқа жойларда, юқумли касалликларнинг ҳамда юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг тарқалиши, одамларнинг заҳарланиш хавфи мавжуд бўлганлиги муносабати билан аҳолининг яшashi ҳамда хўжалик фаолияти учун алоҳида шартлар ва режимлар жорий этилган айrim худудларда ҳамда аҳоли пунктларида, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат эълон қилинган худудларида фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш хуқуқи чекланиши белгиланди.

Тўртинчидан, юртимиз фуқароларига ҳамда мамлакатимизда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш учун ўзларига қулай бўлган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни

расмийлаштириш бўлинмалари, Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн тарзда мурожаат қилишлари имконияти яратилди.

Бешинчидан, «E-xabar berish» тизими жорий этилиб, тураг жойи бўйича рўйхатдан ўтиш борасида мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш мазкур тизим орқали амалга оширилиши белгиланди.

Олтинчидан, фуқароларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кундан 10 иш кунигача қисқартирилиб, фуқаролар ва хонадон эгаларининг ўз вақтида яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш борасидаги масъулияти оширилмоқда.

Еттинчидан, прокуратура органлари вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, доимий яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаш ҳамда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишлари фаолияти устидан назорат олиб бориши кўзда тутилган.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради. Унинг 26-моддаси биринчи қисми 1, 2, 3, 5 ва 6-кичик бандлари эса ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан амалга кирилади. Мазкур қонун мамлакатимизда аҳолининг эркин ҳаракатланишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаб, ҳуқуқни кўллаш амалиётида ортиқча бюрократиянинг ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир, 2023 йил 30 апрель)
– Тошкент: ЎзР Олий Мажлиси нашриёти, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон — «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида».
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2020 йил 22 апрель, ПФ-5984-сон — «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўлланган йиллик мурожаатнома.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 8 май, ПФ-67-сон — «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида».

6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2025 йил 10 июль — «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида».

7. «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун — ЎзР Қонунчилиги тўплами, (бекор қилинган қонун, фармонларга кўра).

8. Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) — фуқароларнинг онлайн рўйхатдан ўтиш имкониятлари ҳакида расмий маълумотлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги расмий сайти (www.iiv.uz) — миграция ва рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ норматив-хуқуқий хужжатлар ва тавсиялар.

10. Миллий қонунчилик маълумотлари базаси – Lex.uz — қонунлар, фармонлар, қарорлар ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар электрон базаси.